

Бухоро давлат университети расмий веб сайти
"Университет илмий фаолияти" интерактив хизмати регламенти

1.Хизмат таърифи

1.1. Хизматнинг номланиши

"Университет илмий фаолияти"

1.2. Хизмат натижаси

Бу интерактив хизмат орқали фойдаланувчиларга Университетда ташкил этиладиган илмий семинарлар ҳамда семинар кун тартибига қўйилган масалалар, ўтказиладиган илмий анжуманлар, конференция ва давра суҳбатлари ҳақида маълумотлар етказилади. Шунингдек фойдаланувчиларга докторлик диссертацияларини шакллантиришга оид талаблар. Университетдаги мавжуд илмий кенгашлар тўғрисида маълумотлар, илмий фаолиятга оид низомлар, фан докторлари рўйхати, ютуқлар, Университет илмий кенгашларда химоя қилинган докторлик диссертациялари авторефератлари каби маълумотлар билан танишиш имконини беради.

1.3. Интерактив хизматдан фойдаланувчилар

Жисмоний ва юридик шахслар

1.4. Ҳуқуқий асослари

Назарда тутилмаган

1.5. Бажариш муддати

Интернет тезлиги 1024 Кб/с булганда, хар бир йуналиш ҳақида керакли маълумотни олиш учун тахминан 30 сония вақт сарфланади.

2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш

2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган ҳар қандай фуқаро сайтдаги Университет илмий фаолияти интерактив хизматига босилса унда:

1. Илмий тадқиқот йўналишлари;
2. Илмий фаолиятга оид низомлар;
3. Иқтидорли талабалар билан ишлаш;
4. Университетда ташкил этилган илмий семинарлар ва уларнинг кун тартибидаги масалалар;
5. Университетда ўтказиладиган илмий анжуманлар ва улар тўғрисидаги оммабоп маълумот;
6. Университетда ўтказиладиган давра суҳбатлари режаси, видеоконференциялар ва симпозиумлар тўғрисида маълумот;
7. Докторлик диссертациясини шакллантиришга оид талаблар;
8. Фан докторлари рўйхати;
9. Университетда илмий кенгашларида химоя қилинган номзодлик ва докторлик ишлари авторефератлари тўғрисидаги маълумотларни олиш мумкин.

2.2. Батафсил маълумот олиш

Батафсил маълумот олиш учун университет расмий веб сайтида ва Университет илмий бўлимдан олиш мумкин.

2.3. Сўровнома бўйича маълумот олиш

Интерактив хизматдан Интернет тармоғи орқали кечаю-кундуз маълумот олиш мумкин.

2.4. Хизмат курсатиш манзили хақида маълумот олиш

Бухоро шаҳар, М.Иқбол кўчаси, 11 уй

2.5. Фойдаланиладиган бланкалар

"Университет илмий фаолияти" хизмати бланкалари тўғрисида батафсил маълумот ва хизматдан фойдаланиш фойдаланувчи томонидан Бухоро давлат университетининг расмий веб-сайти (buxdu.uz) интерактив хизматлар бўлими "Университет илмий фаолияти" хизмати (buxdu.uz/index.php/uz/ilmiy-faoliyat) орқали амалга оширилади.

3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

3.1. Иш вақтлари

Интерактив хизматдан Интернет тармоғи орқали кечаю-кундуз фойдаланиш мумкин.

3.2. Мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

Интернет тезлиги 1024 Кб/с булганда, хар бир йуналиш ҳақида керакли маълумотни олиш учун тахминан 30 сония вақт сарфланади.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур бўлган хужжатлар

Талаб қилинмайди

4.2. Хизмат тўлови

Бепул

4.3. Интерактив хизмат кўрсатиш босқичлари

Интерактив хизмат университетда илмий ишлар бўйича проректор ва илмий бўлим ходимлари томонидан ташкиллаштирилади. Масъул ходимлар томонидан қуйидаги маълумотлар киритилади:

1. Университетда ташкил этилган илмий семинарлар ва уларнинг кун тартибидаги масалалар;
2. Университетда ўтказиладиган илмий анжуманлар ва улар тўғрисидаги оммабоп маълумотлар;
3. Университетда ўтказиладиган лавҳа суҳбатлари режаси, видеоконференциялар ва симпозиумлар тўғрисида маълумотлар;
4. Докторлик диссертациясини шакллантиришга оид талаблар;
5. Университетдаги мавжуд илмий кенгашлар ва улар тўғрисида маълумотлар;
6. Университетда илмий кенгашларида химоя қилинган номзодлик ва докторлик ишлари авторефератлари;

Жорий маълумотлар илмий ишлар бўйича проректор томонидан тасдиқлангандан сўнг, бир иш куни мобайнида интерактив хизмат маълумотлар базасига киритилади.

Интерактив хизмат маълумотлар базаси техник таъминотини юригиш университет Ахборот технологиялари маркази томонидан амалга оширилади

4.4. Давлат хизматини кўрсатишнинг ички идоравий жараёни

Бу интерактив хизмат орқали университет илмий фаолиятига оид маълумотлардан фойдаланиш имкони берилади. Интерактив хизмат оммабоп маълумотларни олиш усулида ташкил этилади.

4.5. Рад этиш сабаблари

Интерактив хизматни тақдим этишни рад этишга интерактив хизмат кўрсатиш дастури ўрнатилган серверда профилактик ишлар ўтказилаётганлиги асос бўлиши мумкин.

«КИРИТИЛДИ»

Илмий бўлими

бошлиғи

_____ **Г.Т. Зарипов**

«_____» _____ **2016 йил**

«КЕЛИШИЛДИ»

Ахборот технологиялар маркази

бошлиғи

_____ **М.З. Хусенов**

«_____» _____ **2016 йил**